www.ishonch-doverie.uz

2011-yil 20-sentabr № 116 (2997) seshanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

**Мохият**

Соғлом авлод тарбиясини жисмоний тарбия ва спорт ривожисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

## Янги кун янгиликлари

### Харидорларга манзур

*Хўжаобод туманида фаолият юритаётган «Сарбон ҳамкор текстиль» хусусий корхонаси мавсумий кийим-бошлар тикишни йўлга қўйди. Жорий йилнинг беш ойи давомида корхонада 36 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.*

Фирма чеварлари томонидан тикилган баҳор ва ёз ойларида кийиладиган футболка, майкалар харидорларга манзур бўлмоқда.

Модернизация давр талаби эканлигини яхши тушунган тадбиркорлар яқинда хориждан замонавий 7 та тикув машинаси сотиб олиб, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ниятидалар.

Халқ банкининг Хўжаобод филиали томонидан ажратилган кредит ишбилармонларга мадад бўлмоқда.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

### Маҳсулот хорижга чиқади

*Хоразмдаги «Йўлдош танобчи» хусусий фирмаси кўзгу ва ойна маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу ерда ойнага ишлов бериш, уни чархлаш, қорайтириш, буклаш, ўйма гул қўйиш ишлари бекаму кўст бажарилмоқда.*

— Жорий йил бошида банкдан 350 миллион сўм кредит олиб, Хитой ва Россиядан янги ускуналар келтирдик, — дейди фирма раҳбари Анварбек Бобожонов. — Натижада, қўшимча 15 турда маҳсулот ишлаб чиқариш имконига эга бўлдик. 50 нафар киши кафолатли иш ўрни билан таъминланди. Уларга ишлаш ва дам олишлари учун қулай шароитлар яратилган. Ҳозирда маҳсулотларимизни хорижга экспорт қилиш юзасидан шартномаларни кўриб чиқяпмиз.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

### Мақсад — ишсизликка барҳам бериш

*Жорий йилда Олтинсой тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида туман прокуратураси, ИИБ, «Камолот» ЁИҲ, маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда туманда фаолият юритаётган барча коллежлар етакчи мутахассислари ҳамкорлигида беш маротаба «Бўш иш ўринлари» меҳнат ярмаркаси ўтказилди.*

Яқинда бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида 106 та корхона, ташкилот ва муассаса 737 та бўш иш ўринлари билан қатнашиб, вакант лавозимларга 170 нафар фуқаролар жалб қилинди. 126 нафарига касб ва мутахассислиги бўйича корхона, ташкилот ва муассасаларга ишга жойлашиши учун йўлланмалар берилди. Шунинг 40 нафари олий ўқув юртини тамомлаган ёшлар бўлса, 86 нафари касб-ҳунар коллежларини тугатган йигит-қизлар. 10 нафари эса қамоқ жазосини ўтаб қайтган шахслардир.

**Ўрол БЕКМУРОДОВ**

### Молиячи зукколар беллашуви

*Гулистон шаҳридаги Маънавият ва маърифат марказида ОАТБ Агробанк Сирдарё вилоят бошқармаси раҳбарияти ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда тизимдаги туман филиаллари ходимлари ўртасида «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан» мавзуида қувноқлар ва зукколар беллашувини ўтказди.*

Унда 102 нафар киши иштирок этди. 1-ўрин ОАТБ Агробанк вилоят бошқармаси ва ОАТБ Деҳқонобод филиали, 2-ўрин ОАТБ Сайхунобод филиали, 3-ўрин ОАТБ Фарҳод филиали ҳамда ОАТБ Ширин филиали жамоаларига насиб этди.

Касаба уюшмаси ҳисобидан ғолиблар қимматбаҳо совға ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

**Н.ЖУМАЕВА,**
**ОАТБ Агробанк Сирдарё вилоят бошқармаси бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси**




**Веломарафон**

## Ёшлар — экологик тоза транспорт тарафдори!

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон велоспорт федерацияси, Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида Тошкент шаҳрида «Камолот-тур» IV ёшлар веломарафонининг якуний босқичига старт берилди.***

8-бет

*1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар куни*

## «Саодатли кунлар қадрига етайлик»

**ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИ РАИСИ, ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ НОМЗОДИ БАХШУЛЛО УМАРОВ БИЛАН СУҲБАТ**

***— Бахшулло Умарович, мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйи Билимлар куни тантаналарига уланиб кетди. Айтинг-чи, ҳуррият Бухоро ва унинг маърифатпарвар зиёлиларига нима берди?***

— Истиқлол, айниқса, таълим тизимига янги ҳаёт бағишлади. Мустақиллик йилларида вилоятимизда 55 та касб-ҳунар коллежи, 7 та академик лицей, 168 та мактаб қурилди. 25 та касб-ҳунар коллежи, 1 та академик лицей, 89 мактаб биноси капитал реконструкция қилинди. 20 йил аввал эккан ниҳолларимиз меваси тотли ва ҳаётбахш эканига гувоҳмиз. Биргина Бухоро Давлат университетининг Қоракўл туманида жойлашган 3-академик лицейи ўқувчилари халқаро олимпиадаларда 25 та медални қўлга киритгани бунинг ёрқин исботидир.

***— Энг улуғ, энг азиз байрамимизни тармоқ кенгаши қандай қаршилади?***

— Кенгашимиз тасарруфида 69 касб-ҳунар коллежи, 8 та академик лицей, 503 та умумтаълим мактаби бўлиб, янги ўқув йилига алоҳида тайёргарлик кўрилди. Маҳаллий бюджет ҳисобидан 760 млн. сўм маблағ ажратилиб, Бухоро политехника ва Вобкент қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежлари капитал таъмирланяпти. Қолган барча коллеж ва лицейлар ҳам таъмирланиб, янги ўқув йилига тайёрланди.

Шу йил 8 июл куни вилоят кенгаши томонидан «Мустақиллик берган имконият ва неъматлар» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб таълим муассасалари ўртасида ўтказилган кўрик-танловлар ғолиблари тақдирланди.

Байрам арафасида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида туман, шаҳар бирлашган касаба уюшма қўмиталари томонидан 50 нафар яккаёлғиз қария, ногирон ходимлар уйи таъмирланиб, тармоқда ишлаган меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинди. Кам таъминланганларга моддий кўмак берилди.

Шунингдек, 700 нафар ходимнинг фарзандларига мактаб формалари олиб берилди. Жонгелди, Зафаробод каби чекка қишлоқ ҳудудларидаги умумтаълим мактабларида учрашув ва байрам тадбирлари ташкил этилди.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги ҳамда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан тармоқ ходимлари ўртасида ўтказилган «Қўли гулдир ўзбек аёлин» кўрик-танловида 75 нафар хотин-қиз ўз ҳунарини намоён этди. Турли номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, рағбатлантирилди.

**(Давоми 2-бетда)**

*«Устоз-шогирд» анъанаси*

## Манфаатдорлик

***Кейинги йилларда касб-ҳунар коллежи ўқувчиларига ишлаб чиқариш кўникмаларини шакллантириши учун зарур имконият яратиш, муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, корхоналар билан касб-ҳунар коллежлари ўртасида ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 февралдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Тошкентгазтаъминот» унитар корхонасига Ангрен шаҳар кимё саноати ҳамда Олмазор политехника касб-ҳунар коллежлари бириктирилган. Жорий йилда улар билан икки томонлама шартномалар тузилиб, техникавий базасини яхшилаш, ўқув қуроллари ва дастгоҳлар билан таъминлаш, ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказиш, уларни соҳамиз билан таништириш ишлари олиб борилди. Жорий йилда газ таъминоти филиалларида амалиёт ўтаган 238 та талабага корхонамиз томонидан энг кам иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида 3550.9 минг сўм ойлик маош ҳамда овқатланиш учун ҳар кунига 3 минг сўмдан пул тўланди. Шунингдек, амалиёт ўтаётган талабалар ва янги ишга қабул қилинган коллеж битирувчилари корхонанинг меҳнат муҳофазаси бўйича кўрикдан ўтказилиб, махсус кийим-бош, пойабзал, якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминланди.

Бундан ташқари, Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган 17 та коллежнинг 172 нафар битирувчиси билан уч томонлама шартнома тузилиб, амалиёт ўташ ва кейинчалик уларни иш билан таъминлаш белгиланган. Ҳозирда улардан 63 нафари филиалларга ишга жойлашди. 32 нафари тажриба оширишда, 28 нафари бошқа ишга жойлашган. Шунингдек, Ангрен кимё саноат касб-ҳунар коллежида 2011-2012 ўқув йилида «Газ ва сув истеъмоли назоратчиси» ихтисослиги йўналиши очилиши ва иккита гуруҳга 30 тадан ўқувчи қабул қилиниши кўзда тутилган эди. Ушбу йўналиш бўйича керакли бўлган ўқув қуролларини харид қилиш учун корхона билан шартнома тузилиб, ўқув йили бошланишидан олдин уларга топширилиши таъминланди.

Дарвоқе, Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами муносабати билан Самарқанд, Бухоро шаҳарларига бир гуруҳ ёшларнинг саёҳати ташкил этилди. Корхонада спортга катта эътибор қаратилган бўлиб, мини футбол, бадментон, стол тенниси бўйича 15100 минг сўмлик спорт инвентарлари харид қилинди.

**Н.ИСМАИЛОВА,**
**«Тошкентгазтаъминот» УК касаба уюшма қўмитаси раиси**

*Матбуот анжумани*

## Ҳамкорлик рағбатлантирилади

***Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси Ресурс марказида ЎзННТМА ҳамда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш Фонди томонидан эълон қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий шериклигининг энг яхши намунаси учун» ҳамда «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий шериклик намунасини ёритувчи энг яхши мақола учун» танловлари юзасидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Унда Миллий ассоциация ва Фонд масъул ходимлари томонидан танловлардан кўзланган мақсад, уларнинг ўтказилиши, ҳужжатларни қабул қилиш, баҳолаш ва тақдирлаш тартиблари тўғрисида электрон, босма ОАВ, жамоат ташкилотлари, турли корхона ва идоралар вакилларига ахборот берилди.

— Танловни ўтказишдан мақсад ННТларни давлат ҳокимияти органлари, тадбиркорлик субъектлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини ривожлантириш ва ютуқларни оммалаштиришга хизмат қилиш кўзда тутилган, — деди ЎзННТМА кенгаши раиси Абдумажид Каримов. — Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш, экологик муаммоларни ҳал этиш, аҳоли ҳамда ёшларни иш билан таъминлаш масалаларида давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилаётган жамоат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш алоҳида ўрин тутади. Ҳужжатлар шу йилнинг 10 ноябрига қадар қабул қилинади. Иккала йўналишда ҳам ғолибларга учтадан совринли ўринлар мавжуд.

Тадбир иштирокчилари бу каби танловлар мамлакатимизда ОАВларнинг ижтимоий шериклик мавзусини ёритишда янада фаоллик кўрсатишига туртки бўлишини таъкидлашди.

**Гўзал МАЛИКОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

## Эъзоз ва эҳтиром

*Халқимизда гўзал удум бор: қутлуғ кунларда барча нуронийларни зиёрат қилиб, уларнинг дуосини олишга шошилади. Буни касаба уюшмалари ҳам одатга айлантирган. Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ташкил этилган фахрийлар қабули узоқ йиллар тизимда меҳнат қилган, бугун дориломон кунлар шукронасини тилдан қўймаётган отахону онахонларимизнинг кўнглини қувончга тўлдирди.*

2-бет



## Сув ресурслари — иқтисодий тараққиёт асоси

*Афсуски, Марказий Осиё ҳам Яқин Шарқ, Шимолий Африка ва Жанубий Осиё мамлакатлари сингари сув танқислиги сезилаётган ҳудудга айланиб бормоқда. Мутахассислар фикрига кўра, глобал ҳароратнинг ошиши ҳисобига Марказий Осиёдаги мавжуд музликлар захираси 2015 йилга келиб, 40-50 фоизга камайиши кутилмоқда, Бу эса сув таъминотининг 20-30 фоиз қисқаришига олиб келади. Демак, сувдан ўринли фойдаланишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.*

3-бет



## Нурли манзиллар макони

*Нурота меъморий мажмуаси тарихи ҳам олис ўтмишга тақалади. Х асрлардаёқ бу ерда Жоме масжиди, кўплаб работ ва муқаддас зиёратгоҳлар бўлган. Ҳозиргача сақланган қадимий бинолардан бири Панжвақт хонақосидир. У XVI асрда тикланган бўлиб, кейин бир неча бор кенгайтирилган. Икки томонида XIX асрнинг ўрталарида масжидга тақаб қурилган айвонлар жойлашган. Обидалардан яна бири, ҳаммаси бўлиб 16 та устуни бўлса-да, маҳаллий аҳоли «чилустун» (қирқ устунли) деб атайдиган Жоме масжидидир. У 25 кичик гумбаз билан қопланган.*

8-бет



Ishonch
2011-yil 20-sentabr № 116 (2997)

Фахрийлар қабули

**_Халқимизда гўзал удум бор: қутлуғ кунларда барча нуронийларни зиёрат қилиб, уларнинг дуосини олишга шошилади. Буни касаба уюшмалари ҳам одатга айлантирган. Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ташкил этилган фахрийлар қабули узоқ йиллар тизимда меҳнат қилган, бугун доришомон кунлар шукронасини тилдан қўймаётган отахону онахонларимизнинг кўнглини қувончга тўлдирди._**






# Эъзоз ва эҳтиром

Тадбир аввалида кенгаш раиси Зулайҳо Маҳкамова касаба уюшмаларининг мавқеи мустақиллик йилларида мустаҳкамланганлигига эътиборни қаратиб, шундай деди:

— Бунда шу ерда ўтирган устозларнинг хизмати беқиёс. Ёшларимизга ибрат, бизга эса ҳамиша холис йўл-йўриқ кўрсатувчи фидойиларимизни ҳар қанча эъзозласак, арзийди.

Алишер Навоий номидаги вилоят драма театри санъаткорлари, Ўзбекистон халқ артисти Ўринбой Нуралиев ҳамда Наманган шаҳридаги 17-МТМ тарбияланувчиларининг «Ниҳол» ансамбли чиқишлари меҳмонлар кўнглига бир олам завқ улашди.

Шундан сўнг пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалар эгаларига топширилди. Вилоят фахрига айланганлар аввалида дилбар ва ҳассос шоир, яқинда адабиёт йўналишида 1-даражали Давлат мукофотига муносиб кўрилган Ҳабиб Саъдулла (марҳум) номи янгради. Ота изидан бориб, юрт равнақи йўлида хизмат қилаётган Саидахон Саъдуллаева туҳфаларни қабул қилди.

Бирлашманинг собиқ ҳуқуқшуноси Бекмирза Тўрабоев, техник Аҳмадали Ҳайдаров, турли тармоқларда фаолият юритган Зокиржон Нажмиддинов, Анвар Набиев каби фидойилар қаторида спорт мактаби тарбияланувчиси, халқаро мусобақалар ғолиби, каратэчи Достон Тоштемировнинг ҳам тақдирланиши юрт шаъни учун камарбасталик борасида муносиб ёшлар камол топаётганлигини тасдиқлади. Дарвоқе, улар орасидан бирлашманинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири, бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Муҳаммаджон Рустамов ҳамда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Аъзамжон Ҳайдаров «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишонига сазовор бўлишган.

— Собиқ ҳамкасблар билан кўришганда, ўша жўшиб ишлаган навқирон даврларга бориб қолгандек бўласиз, — дейди миннатдорлик изҳор қилар экан автотранспорт соҳасида эллик беш йил меҳнат қилган Аҳмаджон ота Назаров. — Энг катта савоб ва совға кўнгилни қувнатиш ҳисобланса, бирлашманинг бугунги ходимлари бизни қўшалоқ туҳфалар билан яшартириб юборишди. Кўзда нур, билакда кучимиз бор экан, Ватанимиз учун фойда келтиришга интилаверамиз.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Касаба уюшмалари ҳаётидан

# Жамоатчилик назоратини кучайтириш

## ёки ҳуқуқий саводхонлик йўлида

**Корхона ҳамда ташкилотларда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши талаб даражасидами, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўлида амалга оширилаётган саъйи-ҳаракатлардан қониқиш ҳосил қилиш мумкинми?**
**Мухбиримиз Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши юридик бўлими мудири Абдувоҳид АҲМЕДОВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.**

**_— Маълумотларга кўра, сўнгги икки йил мобайнида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳамда унинг қонуний манфаатларини ижтимоий-иқтисодий муҳофазалашга қаратилган 30 га яқин қонунлар, ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар қабул қилинди ва бу жараён давом этмоқда. Айнан шу масалада касаба уюшма ташкилотларининг ўрни қандай бўляпти?_**

— Таъкидлаш жоизки, 2010 йил ва жорий йилнинг биринчи ярмида республика касаба уюшма ташкилотлари томонидан 7 та қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. 25 та ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар бўйича тегишли вазирлик ҳамда идораларга амалий таклифлар берилди. Бунда алоқа тармоғи касаба уюшма ташкилотлари ҳам фаол иштирок этяпти.

Албатта, бу ўз навбатида, ҳуқуқий саводхонликни оширишни ҳам тақозо этади. Мана бир неча йилдирки, тармоқ касаба уюшма қўмиталарида ҳар ойнинг иккинчи чоршанба куни «Ҳуқуқий саводхонликни ошириш куни» деб эълон қилинган. Йиллик режа асосида амалга оширилаётган ҳуқуқий ўқув машғулотларига тажрибали ҳуқуқшунослар, хўжалик раҳбарлари, Адлия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари ходимлари таклиф этилиб, фаоллар билан долзарб мавзуларда давра суҳбатларини ўтказиш анъанага айланиб бормоқда.

Ўтган йилнинг ўзида Марказий кенгаш томонидан меҳнатга оид қонунларни амалиётда қўллаш, ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан 48 марта машғулот, ўқув-семинарлари ўтказилди ҳамда иштирокчиларга тегишли маслаҳатлар берилди.

Шу ўринда афсус билан таъкидлаш жоиз, то ҳануз айрим иш берувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлиги етарли бўлмаганлиги туфайли меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари содир этиляпти.

Ишчи-хизматчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зид ҳаракатлари учун ўтган йили тармоқдаги мансабдор шахсларга 20 та тақдимнома киритилди. Улардан 17 таси ўзининг ижобий ечимини топди. Меҳнат жамоаларида 32 марта меҳнат ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати олиб борилди ва Меҳнат кодексини қўллаш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилди.

**_— Республикамизда амал қилаётган бир қатор қонун ҳужжатларида хотин-қизлар, ёшлар ва юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож кимсаларга, яъни ногиронлар, вояга етмаганлар, собиқ байналмилалчи жангчиларга бир қатор имтиёз ва кафолатлар белгилаб қўйилган. Ушбу имтиёзлардан амалда қандай фойдаланиляпти?_**




— Тармоқ касаба уюшма ташкилотлари ушбу йўналишда ҳам таъсирчан жамоатчилик назоратини олиб боряпти. Бироқ, шунга қарамай, айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Шу жумладан, чет эл сармоялари иштирокидаги корхоналарни, хусусий тадбиркорлик ҳамда кичик бизнес субъектларини жамоа шартномалари билан қамраб олиш даражаси кун талабига жавоб бермайди. Маълумотларга кўра, айни вақтда фаолият кўрсатаётган қўшма ва хорижий корхоналарнинг тахминан учдан бир қисмида касаба уюшма ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда холос.

Айнан шу муаммога чек қўйиш учун меҳнат муносабатлари соҳасидаги ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш, жамоатчилик назоратини ҳуқуқий негизини кучайтириш керак. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида», «Жамоатчилик назорати тўғрисида» ва янги таҳрирдаги «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонунларини имкон қадар тезроқ қабул қилинишига эришиш зарур.

Халқаро ҳуқуқ амалиётини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, айрим мамлакатларда касаба уюшма фаолиятига тўсқинлик қилганлиги учун маъмурий жавобгарлик чоралари белгиланган бўлиб, мана шундай ҳуқуқбузарлик учун мансабдор шахсларга жарима солинади.

Муаммоларнинг ижобий ечими келгусида касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида жамоатчилик назоратини кучайтириш, ходимларнинг қонуний ҳуқуқларини янада тўлақонли ҳимоялаш, меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш, касаба уюшмалари, иш берувчилар ва давлат бошқарув идораларининг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Суҳбатдош:**
**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Бандлик

## Етти мингта иш ўрни



**_Сирдарё вилоятида ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш, инвестицияларни жалб этиш лойиҳалари асосида ишга туширилаётган объектлар ҳисобига кўплаб янги иш ўринлари яратиляпти. Жорий йилнинг ўтган даврида 50 та ана шундай инвестицион лойиҳа амалга оширилди. Тижорат банклари томонидан 58 миллиард сўмлик кредит маблағи ажратилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 17 миллиард сўмга кўпдир._**

Ноанъанавий ишлаб чиқариш суръатлари ортиб бораётир. Бу нафақат ички бозорни тўлдирмоқда, балки чет эллик истеъмолчиларда ҳам қизиқиш уйғотмоқда.

— Тижорат банкидан олган 510 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига корхонамизни оёққа турғазиб олдик, — дейди тадбиркор Рустам Турдиев. — Ҳозир бир кеча-кундузда 100 кубометр ҳажмда темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаряпмиз. Элликта янги иш ўрни яратилди.

Жорий йилда коллежни битирган ёшларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида уларга бир миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратиш кўзда тутилган. Ҳозиргача икки юздан ортиқ ёш тадбиркор компютер билан таъминланди. Чорвачилик, тикувчилик каби ўнлаб соҳа ривожи учун 550 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағи ажратилди ва шулар ҳисобига етти мингта янги иш ўрни яратилди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Янги уйлар, янги мактаб, янги боғ



**_Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллик тўйи арафасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек Сирдарё вилоятида ҳам кўплаб ишлаб чиқариш, маиший ҳамда турар-жой бинолари фойдаланишга топширилди._**



Мирзаобод туманининг «Ҳайдар» қишлоғида фойдаланишга топширилган, барча инфраструктурани ўзида мужассам этган янги лойиҳадаги уйлар, мактаб ҳамда маиший хизмат кўрсатиш объектларини ҳақли равишда тўйга тўёна бўлди дейиш мумкин.

Бундан ташқари, мазкур мажмуа ёнида ўрик, беҳи, гилос, олхўри, нок каби 2000 тупга яқин янги 7 гектар майдондаги боғ барпо этилди. Айни пайтда янги боғ қатор ораларига экилган қовун ва тарвузлар кўзни яшнатиб ҳосилга кирган.

**Муҳаммад КАРИМ олган суратлар.**

# «Саодатли кунлар қадрига етайлик»

**_(Давоми. Боши 1-бетда)._**

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортни оммалаштириш, ўқув муассасалари, оилалар, маҳаллалар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида футбол бўйича ноанъанавий турнир эълон қилинди. Мусобақада тармоқ ходимлари фарзандлари-ўқувчилар, устозлар, оталар жамоалари ўзаро беллашди. Умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасида эълон қилинган «Энг намунали футбол майдони» кўрик-танловида Ғиждувон туманидаги 36-, Ромитан туманидаги 33-, Пешку туманидаги 1 умумтаълим мактаблари ҳамда Ғиждувон қурилиш ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи ғолиб деб топилди.

650 нафар педагог-ходим ва 600 нафар ўқувчининг «Кўҳна ва боқий Бухоро» мажмуаси ҳамда Самарқанд, Шаҳрисабз ва Бухоро шаҳарларига саёҳати уюштирилди.

Барча ташкилотларда касаба уюшма ходимлари, фаолларининг ходимлар билан учрашуви ва жойларда байрам тадбирлари ташкил этилди. «Мустақиллик тенгдошлари» мавзусида 20 ёшли тармоқ касаба уюшма аъзолари иштирокида байрам тадбири, Когон шаҳрида тизимда меҳнат қилаётган турли миллат вакиллари иштирокида «Ўзбекистон — ягона Ватан» номли фестивал ўтказилди.

**_— Касаба уюшмасининг асосий вазифаси — бевосита инсон манфаатларини ифода этиш, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишдир. Мустақиллик йилларида оммавий ташкилот халққа яқинлашиб, меҳнат аҳлининг ишончли ҳимоячисига айланди. Бу борада вилоят тармоқ кенгашида қандай ишлар амалга оширилмоқда?_**

— Юртимизда 5 мингга яқин жамоат бирлашма ва ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Истиқлол йилларида нодавлат нотижорат ташкилотларига кенг имкониятлар яратилди. Улар орасидаги энг йирик ва оммавий ташкилот — касаба уюшмаларининг мамлакатимизнинг ижтимоий соҳасидаги янгиланишлар, кенг қамровли ислоҳотларида муносиб ўрни бор.

ЎзКУФ V Қурултойида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари обрўйини оширишга алоҳида урғу берилди. Ходимларда жамоат ташкилоти ҳақида фикр, тушунча айнан қуйи бўғин фаолиятига қараб шаклланади. Тасарруфида 1036 та бошланғич ташкилот ва 150710 нафар аъзони бирлаштирган тармоқ кенгашимиз халқ таълими ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари билан ижтимоий шерикчилик асосида иш юритади. Айни кунда вилоят миқёсида тузилган 2 та, шаҳар, туманларда 13 та жамоа келишуви, ўқув муассасалари, ташкилотларда қабул қилинган 1035 та жамоа шартномасида ходимлар ва талабалар учун қатор қўшимча имтиёзлар белгиланган. Жамоа шартномалари орқали жорий йилнинг 7 ойида ижтимоий ҳимояга муҳтож 628 нафар ходимга иш берувчи ҳисобидан 9 млн. 306 минг сўм, касаба уюшма маблағидан 16 млн. 818 минг сўм моддий ёрдам берилди.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмитаси тасарруфидаги 77 та касб-ҳунар таълими муассасасида ҳам касаба уюшма қўмиталари учун алоҳида хона ажратилган. 59 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейда 5 млн. 790 минг сўм сарфланиб, янги касаба уюшма бурчаклари ва аъзолик афзаллигини акс эттирувчи стендлар тайёрланди.

**_— Бугун касаба уюшма етакчиси ўз иши ва меҳнат ҳуқуқларини билишдан ташқари одамлар қалбига йўл топиши зарур. Қолаверса, у иш берувчи билан ҳам музокара олиб бориши керак._**

— Тўғри айтдингиз. Бошланғич ташкилот фаолиятини ташкил этиш касаба уюшма етакчиси зиммасида. Шуни эътиборга олиб бошланғич касаба уюшмаси таркибини ёш, изланувчан, ташаббускор кадрлар билан бойитдик. Етакчиларимизнинг аксарияти ижтимоий бошқарув илмини эгаллаган.

Етакчиларнинг малакасини ошириш мақсадида вилоят кенгаши беш йил олдин «Ўқув маркази»ни ташкил этган эди. Тингловчилар ўқиш билан бир қаторда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти қошидаги санаторий-профилакторийда соғлигини мустаҳкамлаш, илғор иш тажрибалари билан танишиш, маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш тадбирларида иштирок этиш имконига эга бўлишади.

Ўтган даврда 450 нафар бошланғич ва цех касаба уюшма қўмиталари раиси ва ташкилотчилар ўқувга жалб қилинди. Бу йил Ўқув маркази кенгайтирилиб, 70 нафаргача фаолларни ўқитиш имкони яратилди.

Бундан ташқари, режа асосида жойларга чиқиб, турли тизим масъул ходимларини жалб қилган ҳолда ўқув семинарлар ўтказилмоқда. Касаба уюшмалари фаолиятига кўмак берувчи услубий қўлланмалар тайёрланиб, ташкилотларга етказилди.

**_— Маълумки, касаба уюшма фаоллари жамоатчилик асосида фаолият олиб боради. Жамоат ишлари учун уларга ҳақ тўланмайди. Уларнинг меҳнати қандай қадрланади?_**

— Шуни инобатга олган ҳолда, вилоят кенгаши томонидан ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ижтимоий рағбат», жамоат ишларидаги фаоллигини рағбатлантириш мақсадида «Касаба уюшма фидойиси» мукофотлари таъсис этилди. Ижодкор, изланувчан, фаол, айни вақтда ижтимоий жиҳатдан муҳофазага муҳтож 200 нафар педагогга мазкур мукофот бериб борилмоқда. Бу ижтимоий ҳимоянинг аниқ йўналтирилган шакли бўлиб, педагогларнинг касбига ва жамоатчилик фаолиятига муносабатини яхшилайди.

**_— Қаерда рақобат бўлса, иш унумли бўлади..._**

— Бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши эълон қилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг республика босқичида Бухоро политехника касб-ҳунар коллежи, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти бошланғич касаба уюшма ташкилотлари 1-ўринни эгаллаб, компютер билан тақдирланди. Ромитан туман 1-, Бухоро туман 4-умумтаълим мактаблари бошланғич касаба уюшма ташкилотлари совринли ўринларга муносиб кўрилди.

Ходимларга қулай дам олиш шароити яратиш мақсадида касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 20 дан ортиқ ўқув даргоҳида дам олиш хонаси ташкил этилди. Жондор, Пешку, Ромитан туманларидаги ўқув муассасалари маъмуриятлари ташаббусни қўллаб-қувватлаб, дам олиш хоналари ташкил этишди.

Марказий кенгаш томонидан касаба уюшма фаоллари учун ташкил этилган ўқув-семинарлар, услубий қўлланмалар, устама стипендиялар, етим талабаларни шартнома асосида ўқитиш, касаба уюшма қўмитаси ва дам олиш хоналарини жиҳозлаш учун маблағ ажратилиши аъзоларимизнинг ташкилотга бўлган ишончини орттирмоқда. Марказий кенгаш ташкил этган минтақавий ўқув семинарларда иштирок этган 61 нафар вакилнинг ташкилоти вилоятда таянч деб эълон қилинди.

Ватанимиз тарихида олтин ҳарфлар билан битиладиган ҳурриятнинг шукуҳли кунларига замондош бўлиш бахти бизга насиб этган экан, маърифат аҳли бу саодатли кунлар қадрига етиб, бундан кейин ҳам Ватанга садоқат билан хизмат қилаверадилар.

**Суҳбатдош:**
**«Ishonch» мухбири**
**Амина ҚОДИРОВА**

# Сув ресурслари – иқтисодий тараққиёт асоси

***Она заминимизда ичимлик суви масаласи глобал муаммо бўлиб турибди. Буни шундан ҳам билса бўладики, бугунги кунда сайёрамизда бир миллиарддан зиёд киши ичимлик сувидан эмин-эркин фойдаланиш имкониятидан маҳрум. Жорий йил пойтахтимизда бўлиб ўтган «VI Умумжаҳон сув форуми сари — сув хавфсизлиги йўналишида ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар» мавзуидаги халқаро конференцияда шу ҳақда фикр юритилди.***

***Республикамизда сув ресурсларини бошқариш сифатини ошириш, сув тежамкорлигини рағбатлантиришга катта эътибор қаратилаётир. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги гидротехник иншоотлар хавфсизлигини таъминлаш масалаларини давлат сиёсати даражасига кўтарган ягона давлатдир.***

## Ҳавзавий принципда бошқарилади

Сув хўжалиги — бу суғориш тизимларининг мураккаб комплекси бўлиб, 180 минг км.дан зиёд канал тармоқлари, 160 мингга яқин иншоотлар, шу жумладан, 800 та йирик иншоот, 8,2 млрд.кВт қувватга эга бўлган 1588 та насос станцияси, умумий ҳажми 19,8 млрд.м.куб. бўлган 55 та сув омбори ҳамда 4100 дан ортиқ тик қудуқлардан иборат. Мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси билан сув хўжалиги соҳасини янада ривожлантириш, замонавийлаштириш, сув ва сувдан фойдаланишнинг қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, сувдан тежамли ва мақсадли фойдаланишга доир изчил ислоҳотлар олиб борилди. Жумладан, кейинги йилларда соҳада кескин ўзгаришлар бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги қарорига кўра, сув ресурсларини бошқаришда маъмурий-ҳудудий принципдан ҳавзавий принципга ўтилди. Бу эса, ўз навбатида, сувдан янада самарали фойдаланиш, уни оқилона тезкорлик билан бошқариш имконини яратмоқда.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқа сув истеъмолчилари ўртасида сув ресурслари тақсимотини амалга ошириш, суғориш ва зовур тармоқларидан фойдаланиш мақсадида 1486 та сув истеъмолчи уюшмалари ташкил этилиб, ҳозирда улар умумий майдони қарийб 4 млн. гектар ерни оби ҳаёт билан таъминламоқда. Бошқача айтганда, бундан жами 65 мингдан ортиқ истеъмолчи манфаатдор бўлмоқда. Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини диверсификациялаш бўйича жуда улкан ишлар амалга оширилди. Сувни кўп талаб қилувчи пахта, шоли, беда каби экин майдонлари камайтирилиб, уларнинг ўрнига сувни кам талаб этадиган донли экинлар, полиз ва бошқалар экила бошланди. Натижада, республикамиз бўйича бир йилда ишлатиладиган сув ҳажми 80-йилларга нисбатан 64 км.кубдан 52 км.куб. гача камайди.

Сув ва сувдан фойдаланишни тартибга солишнинг кучли қонунчилик базаси яратилган бўлиб, бунда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун устувор ҳисобланади. 2009 йил 25 декабрда қабул қилинган «Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун айни муддао бўлди. Киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар сувга доир муносабатларни тартибга солиб, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини сув билан кафолатли таъминлаш, сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланишни ташкил этиш, сув объектларини соз ҳолатда сақлаш, сувларни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан асраш, сувларга бўладиган зарарли таъсирларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилаш, шунингдек, сувга доир муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга замин яратди.

Президент Фармонига кўра, 2007 йилнинг октябр ойида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ташкил этилиб, 2008—2012 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилинди. Унга асосан коллектор-дренаж тизимларини қуриш, реконструкция қилиш ва қайта тиклаш ишларига 2008—2010 йилларда давлат бюджетидан 371.3 млрд., жорий йил эса 184,5 млрд. сўм маблағ ажратилди. Мелиоратив техникалар паркини янгилаш мақсадида «Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси, мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган 49 та давлат унитар корхонаси ташкил этилди. Сўнгги уч йил мобайнида амалга оширилган ишлар натижасида 740 минг гектар суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 63 минг гектарга камайтирилди ва 239 минг гектар майдонда сизот сувларнинг сатҳини қишлоқ хўжалик экинлари учун мақбул даражагача пасайтириш имкони туғилди. Ирригация ва дренаж тизимларини қайта тиклаш, сув хўжалиги объектлари ва насос станцияларини жиҳозлашга 20 та йирик инвестиция лойиҳалари орқали халқаро молия ташкилотлари ҳисобидан 1 млрд. доллардан ортиқ маблағ ажратилди. Пировардида суғориш тизимларининг фойдалилик коэффиценти ошишига, гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ва сув ресурслари бошқарувининг яхшиланишига ҳамда сув ресурсларининг тежалишига эришилди.

**Баҳодир РЎЗИБОЕВ,**
**Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари**



***Республика ирригация тизимида мингдан зиёд турли насос станциялари, гидроэлектростанциялар ва гидроузеллар, талай сув омборлари, бир неча минг километрдан ортиқ магистрал каналлар ва магистрал коллекторлар бор. Иншоотларнинг кафолатли ва хавфсиз ишлаши халқ хўжалигига, қолаверса, иқтисодиётимиз ривожига бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам мавжуд гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини, уларнинг бехатар ишлашини таъминлаш муҳим саналади.***

## Гидротехника иншооти: такомиллаштириш йўлида

Президентимиз 1999 йилнинг 24 мартида республикамиз гидротехника иншоотларининг техник аҳволини яхшилаш, бехатар ишлашини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекциясини ташкил этиш бўйича Фармон қабул қилди. Ўша йили гидротехника иншоотларининг техник аҳволини яхшилаш ва бехатар ишлашини таъминлаш юзасидан келиб чиқадиган фаолиятни амалга оширишда юзага келадиган муносабатларни қонуний тартибга солиш учун Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб, «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида» қонун қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан йирик ва ўта муҳим гидротехника иншоотларининг хавфсизлик декларацияси ишлаб чиқилди. Унда гидротехника иншоотларини лойиҳалаш, қуриш даврида ўрнатилган хавфсизлик меъёрлари, қоидалари, авария ҳоллари юзага келиши кутилган пайтларда уларнинг бехатар ишлашини таъминловчи омиллар белгиланган бўлиб, ўтган давр мобайнида 70 дан зиёд гидротехника иншоотининг хавфсизлик декларацияси тузилиб, инспекциямизнинг эксперт кенгашида кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Айни пайтда назоратимиздаги гидротехника иншоотлари сони 273 та бўлиб, уларнинг техник аҳволини яхшилаш ва бехатар ишлашини таъминлаш ҳамда техник ҳолатини баҳолаб бориш мақсадида инспекция қошида эксперт кенгаши ва унга қарашли диагностика маркази фаолият кўрсатяпти. Хусусан, барча гидротехника иншоотларида уларнинг техник ҳолати диагностикаси, кадастрини тузиш, муҳандис-геофизик текширувлар ўз вақтида олиб борилмоқда.

Шу кунга қадар мавжуд гидротехника иншоотларида техник ҳолатни билиш ва баҳолаш мақсадида 588 турда диагностика ишлари олиб борилди. 180 дан зиёд сув омбори, 400 дан ортиқ насос станциялари, магистрал каналлар ва гидроузеллар шулар жумласидандир. Гидротехника иншоотларининг бехатар ишлашига таъсир кўрсатадиган камчиликлар аниқланиб, бартараф этиш чора-тадбирлари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Амударё» ва «Сирдарё» сув ҳавзалари ташкилотлари билан биргаликда амалга оширилаётир. Бундан ташқари, гидротехника иншоотларида мониторинг тизими йўлга қўйилган бўлиб, гидротехника иншоотларининг доимий назоратини олиб бориш, сув омборлари ва бошқа иншоотларда ўрнатилган назорат ўлчов-асбобларидан бевосита олинган маълумотларга тезкор ишлов бериш, ишлаб чиқилган кадастр ҳужжатлари ва бошқа диагностика ишларида берилган кўрсатмаларнинг бажарилишини таҳлил қилиш амалга оширилмоқда.

Сув муаммоси дунё халқлари қаторида бизни ҳам ташвишлантирмоқда. Президентимиз БМТ Бош Ассамблеяси сессияларида, халқаро саммитларда ҳар бир мамлакат трансчегаравий дарё сув захираларидан фойдаланишда, жумладан, гидротехника иншоотларини барпо этиш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга оширишда ошкоралик тамойилларига кўра, манфаатдор томонларнинг тўла хабардор этилганига асосланган ҳолда иш кўриши, унда оқимнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатлар учун сув миқдорининг камаймаслиги, экологик хавфнинг бузилмаслигига кўп бор эътибор қаратганликлари бежиз эмас.

Дарҳақиқат, мавжуд дарё ва сув манбаларимиз бевосита ён-атрофимиздаги қўшни давлатлар сув манбалари билан боғлиқ. Уларнинг сув иншоотларида содир этилган бузилиш, авария ва бошқа шу каби ҳолатлар республикамиз халқ хўжалиги объектларидаги гидротехника иншоотларининг ишлашига таъсир этмай қолмайди. Шунинг учун гидротехника иншоотларининг техник аҳволини яхшилаш, бехатар ишлашини таъминлашда олиб бориладиган ишлар қўшни мамлакатларда жойлашган гидротехника иншоотларининг техник аҳволи ва уларнинг ишлаш тартиби билан мутаносибликда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Айни чоғда эришилган натижаларни нафақат сақлаб қолиш, балки янада такомиллаштириш, шу билан бирга, кундан - кунга долзарб бўлиб бораётган муаммо — гидротехника иншоотларини узоқ муддатларга кафолатлаш ва улардан самарали фойдаланиш чораларини кўриш шароит тақозосидир.

**Зафар ИРИСБОЕВ,**
**«Ўздавсувхўжаликназорат» инспекцияси катта мутахассиси**

***Мустақилликдан сўнг ҳукуматимиз аҳолини тоза ва сифатли ичимлик сув билан таъминлаш масаласига катта эътибор қаратди. Жумладан, янгидан тармоқлар қурилди, қувурлар реконструкция қилинди. Пировардида 1600 дан зиёд қишлоқ пунктларида яшовчи 5,5 млн.га яқин аҳолининг марказлашган ичимлик сув таъминоти яхшиланди. Айни пайтда 200 дан ортиқ шаҳар, туман марказлари, шаҳар типидаги посёлкалар, 9 минг атрофида қишлоқ аҳоли пунктлари ичимлик сув билан таъминланди. Хусусан, сув манбаларининг нотекис жойлашгани, уларнинг захира ва сифати чегараланганлиги, иқлим, кишилар ҳаёт тарзининг ўзига хослиги инобатга олиниб, ичимлик сув таъминотининг ноёб тизими яратилди.***

## Таъминот яхшиланади

Бугунги кунда юртимизда ичимлик сув таъминоти манбаи сифатида асосан ер ости сувларидан фойдаланилмоқда. Ер усти сувларининг, яъни дарё сувларининг сифати бу манбаларнинг юқори бошланғич қисмларида меъёр талабларига мос келса-да, ўрта ва қуйи қисмларида, афсуски, бундай эмас. Ер ости чучук сувлари республика ҳудудида нотекис тарқалган бўлиб, улар тоғ олди ҳудудларида сероб, бироқ Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг чўл минтақалари бундай имкониятдан маҳрум. Бу жойлардаги аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида узунлиги 2000 км. га яқин бўлган магистрал сув қувурлари қурилган. Ушбу минтақалараро сув қувурлари орқали республикадаги ичимлик сувининг таъминланиш улуши 40 фоизни ташкил этаётир. Туямўйин — Нукус, Туямўйин — Урганч, Дамхўжа, Деҳқонобод, Китоб —Шаҳрисабз, Хўжаипок, Учқўрғон — Наманган, Хонобод — Андижон ва Зомин минтақалараро сув қувурлари ана шулар сирасидандир.

Оролбўйи ҳудудлари аҳолисини узлуксиз ичимлик сув билан таъминлашда «Каparисс» сув омборининг ҳиссаси катта. Бу ерда бир кеча-кундузда 400 минг куб метрдан ортиқ ичимлик сув узатилишига эришилди. Ушбу насос станциясига 2010 йилда 4 та электр энергияни тежамли сарфловчи замонавий насослар ўрнатилди. Улар орқали Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятлари аҳолисини сув билан таъминлаш имкони туғилди. Бу ҳол сув танқислигини юмшатди ҳамда Амударёнинг лойқа сувини тиндиришга сарфланадиган харажатларнинг қисқаришига олиб келди.

Президентимизнинг 2010 йил 21 декабрдаги қарорига кўра, 2011-2015 йилларда 38 та инвестицион лойиҳани амалга ошириш назарда тутилган бўлиб, шундан 28 таси ичимлик сув таъминотига дахлдор. Шунингдек, канализация тизимини реконструкция қилиш мақсадида чет эл инвестициясини жалб қилиш ишлари жадал олиб борилаётир. Жумладан, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (МБРР) кредит маблағлари ҳисобидан Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари канализация тармоқлари ва иншоотларини реконструкция қилиш ишлари бошланди, «Осиё тараққиёт банки» кредит маблағлари ҳисобидан Термиз шаҳрини, Хитой Халқ Республикаси кредит маблағлари ҳисобидан Наманган шаҳрининг канализация тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш ва қайта тиклаш лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳалар амалга оширилса, Зарафшон, Амударё ва Сирдарёга етарли даражада тозаланмай ташланаётган оқова сувлардан халос бўлинади. Шунингдек, «Осиё тараққиёт банки» кредит маблағлари ҳисобидан Қўқон ва Андижон шаҳарларининг канализация тизимларини реконструкция қилиш ва қайта тиклаш лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Бундан ташқари, хорижий кредитлар ҳисобидан Нукус, Тахиатош, Ангрен, Янгийўл, Фарғона, Марғилон, Урганч, Хива, Питнак, Қарши, Гулистон, Янгиер, Ширин ва Ховос шаҳарларининг канализация тармоқлари ва тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш лойиҳаларини амалга ошириш ҳам режалаштирилган.

Келгусида аҳолининг тоза ичимлик сув билан таъминланганлик даражасини ошириш ҳамда шаҳарлар ва шаҳарлар типидаги барча аҳоли яшаш пунктларида канализация тизимларини ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Шу мақсадда ҳукуматимиз топшириғига мувофиқ республикада ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилишнинг 2020 йилгача мўлжалланган стратегияси ишлаб чиқилаётир. Унга кўра ичимлик сув захиралари ва уларнинг сифати тўлиқ хатловдан ўтказилади. Мавжуд сув иншоотлари, қувурлар, уларнинг узунлиги, эскирганлик даражаси, насосларнинг ҳолати ва ичимлик сув ишлаб чиқариш, уни аҳолига етказиб бериш билан боғлиқ масалалар юзасидан барча иншоотлар ҳамда қувурлар ўрганиб чиқилмоқда.

Стратегияда кўзда тутилган ишлар тўлиқ амалга оширилса, 2020 йилга бориб, республика шаҳарларида аҳолининг марказлаштирилган ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 100 фоизга, қишлоқ аҳоли яшаш пунктларида эса 80 фоизга етади. Шунингдек, оқова сув хизматининг умумий қамровини 25 фоизга олиб чиқиб, социал-иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этиш кўзда тутилган.

**Қобилжон ҒУЛОМОВ,**
**«Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош мутахассиси**

***Корхонамиз Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг таркибий бўлими бўлиб, асосан сув, ер ресурсларининг сифатини яхшилаш, ифлосланишининг олдини олиш, улардан оқилона фойдаланишни тартибга солиш ҳамда муҳофаза қилишда илмий тадқиқот ва лойиҳа ишларини олиб бориш билан шуғулланади.***

## Муаммолар ечими

Хусусан, 1991-2011 йиллар давомида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича 150 дан ортиқ илмий лойиҳа бажарилиб, улардан аксарияти амалда татбиқ этилди. Жумладан, илмий-тадқиқот ишлари натижаларига доир маҳаллий ва МДҲ нашрларида 100 дан зиёд, чет мамлакатларда 30 дан ортиқ илмий мақола чоп этилди. Шунингдек, «Марказий Осиёда барқарор экологик ривожланиш масалалари» мавзуида махсус журнал тайёрланиб, унинг 3 та сонини нашр этишга муваффақ бўлинди. Ишлаб чиқарилган технологияларга 6 та патент ва ихтиро учун муаллифлик гувоҳномаси олинди. Табиат муҳофазаси йўналиши бўйича ўтказилган республика, халқаро конференция ва симпозиумларида 60 та маъруза билан фаол иштирок этилди.

1993-2000 йиллар мобайнида ЮНЕСКОнинг «Орол ва Оролбўйи» халқаро илмий-амалий лойиҳасининг координатори сифатида талай долзарб мавзулар бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Уларнинг натижаси Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни юмшатиш учун амалга оширилган тадбирларда ўз ифодасини топди.

Афсуски, Марказий Осиё ҳам Яқин Шарқ, Шимолий Африка ва Жанубий Осиё мамлакатлари сингари сув танқислиги сезилаётган ҳудудга айланиб бормоқда. Мутахассислар фикрига кўра, глобал ҳароратнинг ошиши ҳисобига Марказий Осиёдаги мавжуд музликлар захираси 2015 йилга келиб, 40-50 фоизга камайиши кутилмоқда. Бу эса сув таъминотининг 20-30 фоиз қисқаришига олиб келади. Демак, сувдан ўринли фойдаланишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Хўш, сувдан фойдаланиш ва уни тежаш билан боғлиқ муаммолар ечими қандай бўлади? Бизнингча, сувдан лимитли фойдаланиш асосида сувни тежаш, ер усти ва ер ости сувларини муҳофаза этиш, саноат чиқиндиларини атроф-муҳитга чиқаришни имкон қадар камайтириш, уларни умуман чиқармаслик учун технологик циклардаги барча жараёнларда хомашёнинг ҳамма компонентлари, энергиянинг барча турларидан оқилона фойдаланиш, чиқиндихоналарни техник, экологик, санитар-эпидемиологик меъёрлар, қоидалар ва стандартлар талабларига мувофиқлаштириш, коммунал хўжалик ва саноат корхоналарида сувни тежаш технологияларини ҳамда ҳосил бўлаётган оқова сувларни тозалашда замонавий юқори самарали усулларни татбиқ этиш, тозаланган оқова сувларни имкон қадар ишлаб чиқаришда қайта фойдаланишни йўлга қўйиш, бу борада корхоналарда ёпиқ айланма технологияларнинг қўлланишига эришиш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилинса, энг аввало сув тежалади ва сув ҳавзалари ифлосланмайди.

**14.** «Телерадиотехника ва музлаткичларни тузатиш устахонаси» қуриш учун, Хоразм вилояти, Боғот тумани, Бойқозоқ шаҳарчаси, 2-вонаси ҳудудида, 1 дона, 108 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 27.268 сўм.

**15.** «Қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш шахобчаси ва дўкони» қуриш учун, Хоразм вилояти, Боғот тумани, Бойқозоқ шаҳарчаси, 2-зонаси ҳудудида, 1 дона, 108 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 27.268 сўм.

**16.** «Новвойхона ва озиқ-овқат маҳсулотлари дўкони» қуриш учун, Хоразм вилояти, Боғот тумани, Бойқозоқ шаҳарчаси, 2-зонаси ҳудудида, 1 дона, 108 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 27.268 сўм.

**17.** «Маиший хизмат шахобчаси» (эркаклар ва аёллар салони ва этикчилик устахонаси) қуриш учун, Хоразм вилояти, Боғот тумани, Бойқозоқ шаҳарчаси, 2-зонаси ҳудудида, 1 дона, 108 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 27.268 сўм.

**18.** «Маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси» (кийим кечак тикиш) қуриш учун, Хоразм вилояти, Боғот тумани, Бойқозоқ шаҳарчаси, 2-зонаси ҳудудида, 1 дона, 108 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 27.268 сўм.

**19.** «Озиқ овқат маҳсулотлари дўкони» қуриш учун, Хоразм вилояти, Боғот тумани, Бойқозоқ шаҳарчаси, 2-зонаси ҳудудида, 1 дона, 108 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 27.268 сўм.

**20.** «Қишлоқ Хўжалик маҳсулотлари дўкони» қуриш учун, Хоразм вилояти, Боғот тумани, Бойқозоқ шаҳарчаси, 2-зонаси ҳудудида, 1 дона, 108 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 27.268 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Боғот туман архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб **2012 йил 1 ноябр**гача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2011 йил 24 октябр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Боғот туман ҳокимлиги биносида 2011 йил 25 октябр куни соат 11:00 да очилади, 2011 йил 25 октябр куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2011 йил 25 октябрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2011 йилнинг 1 ноябр куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2011 йил 31 октябр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Боғот туман ҳокимлиги биносида 2011 йил 1 ноябр куни соат 11:00 да очилади, 2011 йил 1 ноябр куни соат 18:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

**II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Хоразм вилояти, Гурлан туман ҳокимининг 2011 йил 13 сентябрдаги 934-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** «Ун тегирмони ҳамда макарон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш цехи» қуриш учун, Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Шоликор қишлоғи «Чинобод» маҳалласида, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 200 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 58.100 сўм.

**2.** «Мебелчилик устахонаси» қуриш учун, Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Олға қишлоғи «Совунчи» маҳалласида, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 150 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 43.500 сўм.

**3.** «Аралаш моллари дўкони ва дорихона» қуриш учун, Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Олға қишлоғи «Совунчи» маҳалласида, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 50 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 14.500 сўм.

**4.** «Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи» қуриш учун, Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Вазир қишлоғи «Кангли» маҳалласида, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 100 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 29.000 сўм.

**5.** «Пайнет хизмати ва аралаш моллари дўкони» қуриш учун, Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Вазир қишлоғи «Аққум» маҳалласида, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 100 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 25.200 сўм.

6. «АКФА ойна ва эшик ромлари ишлаб чиқариш цехи биноси» қуриш учун, Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Дўсимбий қишлоғи «Тахтакупир» маҳалласида, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 100 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 25.200 сўм.

**7.** «Мебелчилик устахонаси» қуриш учун, Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Дўсимбий қишлоғи «Тахтакупир» маҳалласида, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 200 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 50.500 сўм.

**8.** «Автомойка шахобчаси» қуриш учун, Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Дўсимбий қишлоғи «Тахтакупир» маҳалласида, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 100 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 25.200 сўм.

**9.** «Автомобилларни мойини алмаштириш шахобчаси» қуриш учун, Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Дўсимбий қишлоғи «Тахтакупир» маҳалласида, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 50 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 12.600 сўм.

**10.** «Автошина ямаш устахонаси» (Вулканизация) қуриш учун, Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Дўсимбий қишлоғи «Тахтакупир» маҳалласида, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 50 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 12.600 сўм.

**11.** «Токорчилик устахонаси» қуриш учун, Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Дўсимбий қишлоғи «Тахтакупир» маҳалласида, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 100 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 25.200 сўм.

**12.** «Канцелярия моллари дўкони» қуриш учун, Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Бирлашган қишлоғи «Нукус ёп» маҳалласида, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 60 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 17.400 сўм.

**13.** «Аралаш моллар дўкони» қуриш учун, Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Бирлашган қишлоғи «Нукус ёп» маҳалласида, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 60 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 17.400 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Гурлан туман архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб **2012 йил 15 ноябр**гача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2011 йил 7 ноябр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Гурлан туман ҳокимлиги биносида 2011 йил 8 ноябр куни соат 11:00 да очилади, 2011 йил 8 ноябр куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

**III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Хоразм вилояти, Янгибозор туман ҳокимининг 2011 йил 14 сентябрдаги 381-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** «Савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари» қуриш учун, Хоразм вилояти, Янгибозор тумани марказида Ж.Мангуберди кўчасида, 1-зонаси ҳудудида жойлашган 3 дона, ҳар бирининг алоҳида 200 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 73.334 сўм.

**2.** «Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари» қуриш учун, Хоразм вилояти, Янгибозор тумани Уйғур қишлоғи Х.Олимжон маҳалласи, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 6 дона, ҳар бирининг алоҳида 150 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 43.551 сўм.

**3.** «Хусусий чойхона ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари» қуриш учун, Хоразм вилояти, Янгибозор тумани Оёқдурман қишлоғи Халқобод маҳалласи, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 3 дона, ҳар бирининг алоҳида 330 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 96.683 сўм.

**4.** «Кичик технологияли ишлаб чиқариш объектлари» қуриш учун, Хоразм вилояти, Янгибозор тумани Чўболончи қишлоғи Олтинкўл маҳалласи, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 4 дона, ҳар бирининг алоҳида 500 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 145.170 сўм.

**5.** «Маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари» қуриш учун, Хоразм вилояти, Янгибозор тумани Чўболончи қишлоғи, Чўболончи маҳалласида, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 2 дона, ҳар бирининг алоҳида 200 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 58.068 сўм.

**6.** «Кондитер ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бинолари» қуриш учун, Хоразм вилояти, Янгибозор тумани Башқирших қишлоғи, Жайхун маҳалласида, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 3 дона, ҳар бирининг алоҳида 300 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 87.102 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Янгибозор туман архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб **2012 йил 15 ноябр**гача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2011 йил 14 ноябр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Янгибозор туман ҳокимлиги биносида 2011 йил 15 ноябр куни соат 11:00 да очилади, 2011 йил 15 ноябр куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

**IV. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Хоразм вилояти, Янгиариқ туман ҳокимининг 2011 йил 8 сентябрдаги 710 к-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** «Савдо шахобчаси» қуриш учун, Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани Қуриқтом қишлоғи «Қуриқтом» аҳоли пунктида жойлашган 3 дона, ҳар бирининг алоҳида 120 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 34.843 сўм.

**2.** «Маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси» қуриш учун, Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани Қуриқтом қишлоғи «Қуриқтом» аҳоли пунктида жойлашган 4 дона, ҳар бирининг алоҳида 120 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 34.843 сўм.

**3.** «Маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси» қуриш учун, Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани Қармиш қишлоғи «Қармиш» аҳоли пунктида жойлашган 1 дона, 150 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 43.554 сўм.

**4.** «Савдо шахобчаси» қуриш учун, Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани Каттабоғ қишлоғи «Каттабоғ-2» аҳоли пунктида жойлашган 4 дона, ҳар бирининг алоҳида 125 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 36.295 сўм.

**5.** «Маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари» қуриш учун, Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани Каттабоғ қишлоғи «Каттабоғ-2» аҳоли пунктида жойлашган 1 дона, 500 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 145.180 сўм

**6.** «Савдо шахобчаси» қуриш учун, Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани Остона қишлоғи «Муллаёп» аҳоли пунктида жойлашган 4 дона, ҳар бирининг алоҳида 200 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 58.072 сўм

**7.** «Маиший-хизмат кўрсатиш шахобчаси» қуриш учун, Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани Остона қишлоғи «Муллаёп» аҳоли пунктида жойлашган 4 дона, ҳар бирининг алоҳида 200 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 58.072 сўм

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Янгиариқ туман архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб **2012 йил 15 ноябр**гача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2011 йил 3 ноябр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Янгиариқ туман ҳокимлиги биносида 2011 йил 4 ноябр куни соат 11:00 да очилади, 2011 йил 4 ноябр куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2011 йил 4 ноябрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2011 йилнинг 18 ноябр куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2011 йил 17 ноябр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Янгиариқ туман ҳокимлиги биносида 2011 йил 18 ноябр куни соат 11:00 да очилади, 2011 йил 18 ноябр куни соат 18:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

**V. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Хоразм вилояти, Хива туман ҳокимининг 2011 йил 12 сентябрдаги 900-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи ва узоқ муддатли ижарага бериш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** «Кийим кечак тикиш устахонаси» қуриш учун, Хоразм вилояти, Хива тумани Дашёқ қишлоғи марказида жойлашган 1 дона, 80 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 23.228 сўм.

**2.** «Сартарошхона» қуриш учун, Хоразм вилояти, Хива тумани Дашёқ қишлоғи марказида жойлашган 1 дона, 30 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 8.710 сўм.

**3.** «Этикдузлик устахонаси» қуриш учун, Хоразм вилояти, Хива тумани Дашёқ қишлоғи марказида жойлашган 1 дона, 30 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 8.710 сўм.

**4.** «Электр асбобларини тузатиш устахонаси» қуриш учун, Хоразм вилояти, Хива тумани Дашёқ қишлоғи марказида жойлашган 1 дона, 60 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 17.421 сўм.

**5.** «Тикувчилик цехи» қуриш учун, Хоразм вилояти, Хива тумани Шомохулум қишлоғи марказида жойлашган 1 дона, 100 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 29.035 сўм.

**6.** «Тикув машинаси тузатиш устахонаси» қуриш учун, Хоразм вилояти, Хива тумани Шомохулум қишлоғи марказида жойлашган 1 дона, 50 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 14.517 сўм.

**7.** «Электр асбобларини тузатиш устахонаси» қуриш учун, Хоразм вилояти, Хива тумани Шомохулум қишлоғи марказида жойлашган 1 дона, 50 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 14.517 сўм.

**8.** «Аёллар гўзаллик салони» қуриш учун, Хоразм вилояти, Хива тумани Шомохулум қишлоғи марказида жойлашган 1 дона, 60 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 17.421 сўм.

**9.** «Этикдузлик устахонаси» қуриш учун, Хоразм вилояти, Хива тумани Шомохулум қишлоғи марказида жойлашган 1 дона, 40 кв.м.ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 11.614 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Хива туман архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб **2012 йил 15 ноябр**гача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2011 йил 17 ноябр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Хива туман ҳокимлиги биносида 2011 йил 18 ноябр куни соат 11:00 да очилади, 2011 йил 18 ноябр куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

**Танлов ташкилотчиси** — «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Хоразм вилоят филиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Хоразм вилояти, Урганч шаҳар, Й.Бобожонов кўчаси 23-А уй.

Мурожаат учун телефон: 8(362)226-43-64, факс: 226-32-63. **Лицензия № RR 0001.** Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: АТИБ «Ипотека» банки Тинчлик филиали, ҳ/р: 20208000004920609036, МФО: 00580, СТИР: 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳар, Й.Бобожонов кўчаси 23-А уй.

**«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилоят филиалининг танлов савдолари**

**I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро вилоят, Пешкў тумани ҳокимининг 2011 йил 9 сентябрдаги 421-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Савдо дўкони қуриш учун Бухоро вилояти, Пешкў тумани Янгибозор ШФЙ, Абу Али Ибн Сино шоҳ кўчаси, 1-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 100,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 366 380 сўм.

**2.** Маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Пешкў тумани Янгибозор ШФЙ, Абу Али Ибн Сино шоҳ кўчаси, 1-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 50,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 183 190 сўм.

**3.** Гўзаллик салони қуриш учун Бухоро вилояти, Пешкў тумани Янгибозор ШФЙ, Абу Али Ибн Сино шох кўчаси, 1-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 50,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 183 190 сўм.

**4.** Қурилиш моллари савдо дўкони қуриш учун Бухоро вилояти, Пешкў тумани Янгибозор ШФЙ, Абу Али Ибн Сино шоҳ кўчаси, 1-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 50,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 183 190 сўм.

**5.** Сартарошхона қуриш учун Бухоро вилояти, Пешкў тумани Варахшо ҚФЙ, Шавғон қишлоғи, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 32,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 80 000 сўм.

**6.** Гўзаллик салони қуриш учун Бухоро вилояти, Пешкў тумани Варахшо ҚФЙ, Шавғон қишлоғи, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 33,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 82 500 сўм.

**7.** Тикувчилик цехи қуриш учун Бухоро вилояти, Пешкў тумани Варахшо ҚФЙ, Шавғон қишлоғи, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 77,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 192 500 сўм.

**8.** Пойабзал таъмирлаш устахонаси қуриш учун Бухоро вилояти, Пешкў тумани Варахшо ҚФЙ, Шавғон қишлоғи, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 32,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 80 000 сўм.

**9.** Эҳтиёт қисмлар савдо дўкони қуриш учун Бухоро вилояти, Пешкў тумани Варахшо ҚФЙ, Шавғон қишлоғи, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 33,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 82 500 сўм.

**10.** Савдо дўкони қуриш учун Бухоро вилояти, Пешкў тумани Варахшо ҚФЙ, Шавғон қишлоғи, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 40,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 100 000 сўм.

(Давоми 7-бетда)

Ishonch
2011-yil 20-sentabr № 116 (2997)



*Бир ўлкаки...*

**Нурота —Навоий вилоятининг шимоли шарқида жойлашган. Нурота тоғи ғарбий тизмасининг шимолий нишаблигидан бошланувчи маскан қадимда карвон йўлини туташтирган.**

# Нурли манзиллар макони

У чегара қалъаси ва чўл сарҳадидаги улкан истеҳком, муҳим савдо маскани, мустаҳкам ҳимояга эга ҳарбий стратегик ҳудуд саналган. Шаҳар жанубида қад кўтарган кўҳна қалъа остида Нурота ариғи бошланадиган булоқ ва ҳовуз, шимол томонида ҳозирда замонавий маҳаллалар тагида қолиб кетган қадимги Шаҳристон бўлган. Бош ҳовузда ҳам, шаҳар ариқ шохобчаларида ҳам балиқ кўп. Нуроталиклар ва бу ерга келадиган зиёратчилар уларни овлаш, қўл уриш ёки чўчитишга журъат этмайди. Халқ таъбирига кўра, балиқлар бу ердаги булоқлар каби муқаддас ҳисобланади.

Қадимги Нурота воҳаси ва мудофаа девори билан ўраб олинган масканнинг шимол томонида, шаҳар дарвозаси қаршисида ягона кириш жойи бўлган.

Нур қалъа сифатида Абу Иброҳим Исмоилнинг 1004 йилда тахт учун олиб борган кураши билан боғлиқ ҳолда эслаб ўтилади. 1220 йилнинг бошларида Бухорога интилаётган Чингизхон қўшини шаҳар деворлари ёнида тўсатдан пайдо бўлганда, аҳоли уни тун қоронғилигида олисдан келаётган карвон деб ўйлаган. Кейинги йилларда ҳам Нур Бухоронинг дарвозаси бўлиб қолган. Амир Темур ва ундан кейинги ҳукмдорлар қўшини, осудалик пайтида эса савдо карвонлари, элчилар, сайёҳлар бу жойдан жуда кўп ўтишган.

Нурота меъморий мажмуаси тарихи ҳам олис ўтмишга тақалади. X асрлардаёқ бу ерда Жоме масжиди, кўплаб работ ва муқаддас зиёратгоҳлар бўлган. Ҳозиргача сақланган қадимий бинолардан бири Панжвақт хонақосидир. У XVI асрда тикланган бўлиб, кейин бир неча бор кенгайтирилган. Икки томонида XIX асрнинг ўрталарида масжидга тақаб қурилган айвонлар жойлашган. Обидалардан яна бири, ҳаммаси бўлиб 16 та устуни бўлса-да, маҳаллий аҳоли «чилустун» (қирқ устунли) деб атайдиган Жоме масжидидир. У 25 кичик гумбаз билан қопланган.

Мажмуанинг композицион ечимида ҳовузга катта эътибор берилган. Эгри-бугри шаклдаги чуқур ҳовузнинг чор-атрофига энсиз ёғоч йўлак ётқизилган. Ҳовузга зинапоялар орқали тушилган. Шимол томонда яна бир кичикроқ масжид қад кўтарган.

Кейинги икки йилда Аллоҳнинг назари тушган бу манзилга қадам ранжида қилмаган киши кўп ўзгаришлардан бехабар қолгани тайин. Чашма ҳовузига элтувчи йўл ён-атрофидаги уюм тупроқлар шаҳар ташқарисига олиб чиқилди. Ўртамиёна қурилган, эскирган бинолар ўрнида яхлит кўриниш касб этадиган мажмуага асос солинди. Энг муҳими, булоқнинг шифобахш суви таркибида одам организми учун зарур 20 турдаги минерал моддалар мавжудлиги ўз тасдиғини топди.

Туман маркази ғарбида мармарчиларнинг Ғозғон шаҳарчаси жойлашган. Унинг ёнида ҳам булоқлар кўз очган тепалик устига қурилган ихчам қадимий қалъа бор. Қишлоқ чеккасида «Шоҳимардон» деб аталадиган ажойиб меъморий обида ҳам мавжуд. Мажмуа 1908-1913 йиллар оралиғида қадимий бино қолдиқлари устига тикланган. Шимолий ғарбий қисмида энг катта бино — масжид-хонақо жойлашган. Унинг деворлари, шифти, устунлари ҳар хил қалинликдаги мармардан устакорлик билан йўниб ясалган. Бунга монанд меъморий-тарихий мажмуаларни туманнинг Деҳибаланд қишлоғида ҳам учратасиз.

Нурота каштачилиги кўп асрлик тарихга эга. Ғозғон шаҳарчаси атрофидаги қир-адирликлар беадад бойликларни қучоғига яширган. Ернинг устки қатламини сал сидирсангиз, турфа жилолар таратувчи мармар харсанглари ястаниб ётганини кўрасиз. Шимолий чегарадош ҳудудларни эгаллаган Айдаркўл саховатини айтмайсизми? Зотдор қоракўл етиштиришга мўлжалланган поёнсиз яйловларда чўпон таёғи ниҳоятда қадрланади.

81,5 минг аҳолининг қарийб 37 минг нафари жўшқин меҳнат билан банд. Жорий йилда 4071 нафар ёшга иш ўрни яратиш режалаштирилган. Шаҳар чеккасида асос солинган катта боғ эндиликда мустақиллигимизнинг 20 йиллиги билан аталади. Замонавий уйлар, маданий-маиший бинолар, савдо ва овқатланиш шохобчалари, спорт иншоотларини бугун нафақат марказда, чекка чўл ҳудудида ҳам учратиш мумкин.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Шухрат ХАЛИЛОВ,**
**Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят кенгаши раиси**

# Ёшлар — экологик тоза транспорт тарафдори!




*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Веломарафонда мусобақанинг вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаган ҳаваскор велоспортчилар, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши тизимидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари, таниқли санъаткорлар, машҳур спортчилар, «Камолот» ЁИҲ етакчи ва фаоллари иштирок этишди.

Веломарафонни ўтказишдан асосий мақсад — экологик тоза транспортни оммалаштириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўсмир ва ёшлар ўртасида спортнинг мазкур турига қизиқишни орттиришдан иборат.

Мусобақанинг ҳудудий босқичларида 100 нафардан зиёд ҳаваскор велопойгачилар иштирок этиши белгиланганига қарамай, бу кўрсаткич барча ҳудудларда анча юқори кўринишга эга бўлди. Жумладан, Бухорода 150 нафар, Навоийда 300, Самарқанд вилоятида эса 400 нафардан зиёд қатнашчи ғолиблик учун курашди.

Ҳудудий босқичларда маррага биринчи бўлиб етиб келган ва фаол иштирок этган велопойгачиларга ҳамкор ташкилотлар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди. Жумладан, Тошкент вилояти босқичидаги иштирокчиларга 50 та велосипед совға қилинди.

«Камолот-тур» IV ёшлар миллий веломарафонининг ҳудудий босқичларида биринчиликни қўлга киритган велопойгачилар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан иштирок этиш истагини билдирган 200 дан зиёд кўнгилли билан биргаликда 17 сентябр куни Тошкент шаҳри Бектемир туманидаги «Роҳат» постидан «Ёшлик-Камолот» спорт мажмуасигача бўлган 16 километрлик масофани босиб ўтиб, «Ёшлик-Камолот» спорт мажмуасига, яъни финишга кириб келишди. Мусобақалар якунида ғолиб ва фаол иштирокчилар ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди. Хусусан, биринчиликни қўлга киритган велопойгачилар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан профессионал спорт велосипедлари билан тақдирланди.

**Дилроз АБРАЕВА,**
**Дилноза МИРЗАЁҚУБОВА,**
**ЎзДЖТУ талабалари.**
**Ёлқин ШАМСИДДИНОВ**
**(ЎзА) олган суратлар**

*Теннис*

## «Тошкент опен — 2011»



***Республика Олимпия захиралари спорт коллежи кортларида Хотин-қизлар теннис уюшмаси (WTA) мусобақалари тақвимига кирувчи анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Тошкент опен — 2011» халқаро турнири ўз якунига етди.***

Нуфузли мусобақанинг яккалик беллашувларида Ксения Первак (Россия) ғолиб чиқди. Биринчи рақамда сараланган россиялик моҳир теннисчи ҳал қилувчи финал беллашувида чехиялик Ева Бирнерова устидан 6:3, 6:1 ҳисобида зафар қучиб, бош соврин соҳибасига айланди.

«Тошкент опен — 2011» халқаро турнирининг жуфтликлар мусобақасида ғалаба грециялик Елени Даниилидоу ва россиялик Виталия Диатченко дуэтига насиб қилди. Турнирда мағлубиятсиз ўйнаган мазкур жуфтлик финал баҳсида украиналик оилавий дуэт — Надия ва Людмила Киченокларни 6:4, 6:3 ҳисобида енгди.

## Денис яна бўш келмади

***Туркиянинг Истанбул шаҳрида теннис бўйича эркаклар ўртасида ўтказилган «Челленжер» туркумидаги халқаро турнир ҳамюртимиз Денис Истомин ғалабаси билан якунланди.***

Моҳир теннисчимиз мусобақанинг ҳал қилувчи финал беллашувида кучли рақиб — биринчи рақамда сараланган Филлип Колшрейберни (Германия) 7:6, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратиб, бош совринни қўлга киритди.

**Ўз мухбиримиз**



*Дзюдо*

***«Ўзбекистон» спорт мажмуасида старт олган дзюдо бўйича эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида жаҳон кубоги мусобақасида терма жамоамиз аъзолари учта олтин, учта кумуш ва тўртта бронза, жами ўнта медал билан умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.***

# Биз — биринчимиз!



Дунёнинг ўттиз мамлакатидан икки юздан зиёд дзюдочи иштирок этган нуфузли мусобақанинг биринчи куни Мирали Шарипов (73 кг.) дастлабки олтин медални қўлга киритган бўлса, жаҳон кубогининг иккинчи кунги беллашувларида Дилшод Чориев (90 кг.) ва Рамзиддин Саидов (-100 кг.) барча рақибларини енгиб, терма жамоамиз ҳисобига биттадан олтин медал қўшди.

Ҳамюртларимиздан Габит Эсимбетов (60 кг.), Одил Тўландибоев (+100 кг.) ва Ўткир Қурбонов (-90 кг.) жаҳон кубоги мусобақасининг кумуш медали билан тақдирланган бўлса, Шерали Жўраев (90 кг.), Мирзоҳид Фармонов (66 кг.), Яҳё Имомов (81 кг.), Болтабой Болтаев (+100 кг.) эса бронза медалига сазовор бўлишди.

Жаҳон кубоги Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) мусобақалар тақвимидан жой олган нуфузли турнир бўлиб, унда совринли ўринларни қўлга киритган дзюдочилар 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган рейтинг очколарини ҳам ўзлариники қилишди.

**Адҳам АРСЛОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар**

# Турсунқул муаллим



**Мактабни тугаллаб, мустақил ҳаётга қадам қўйганимизга ҳам қирқ йилдан ошибди. Лекин устозларнинг панд-насиҳати ҳамон қулоқларимиз остида жаранглайди. Айниқса, биринчи ўқитувчимиз Турсунқул Хўжамовнинг берган таълим-тарбияси биз учун ҳаёт сабоғи бўлган. Яқинда синфдошларимиз билан устозни йўқладик.**

Тонг саҳарлаб муаллимимиз яшаётган Хонобод қишлоғига йўл олдик. Транспортнинг чайқалиши-ю, йўловчиларнинг ғала-ғовури ҳам қулоғимизга кирмас, бўлажак учрашувдан юрагимиз ҳапқириб борарди. Устоз уйининг қўнғироғини оҳиста босдик.

Ўша меҳрли чеҳра бизни қарши олди. Устозни яқинлашиб келаётган Ўқитувчи ва мураббийларнинг касб байрами ва қутлуғ 75 ёши билан муборакбод айладик.

Дастурхон атрофида устознинг ўзи етиштирган мевалардан тановул қилиб, суҳбатни кутубхонасида давом эттирдик. Хона доимгидек озода. Гуллардан таралаётган ифор димоққа урилади. Китоблар жавони бадиий адабиётлар, услубий қўлланмалар, дарсликлар, илмий асарлар билан тўла. Чеккадаги жавонда эса газеталарнинг йилма-йил йиғилган сонлари. Ҳаммаси тартиб билан жойлаштирилган. Турсунқул акага савол назари билан боқдик. У киши дарс беришдан тўхтагани билан, ўқишдан тўхтамаганини, ҳар йили пенсия пулидан «Нуроний», «Маърифат», «Кеш», «Дарё» газеталарига обуна бўлишини айтди.

*Устозга таъзим*

Тўрдаги стол устида домланинг ҳаёт йўлидан ҳикоя қилувчи видеокассета, албом, шогирдларнинг байрам қутловлари...

Турсунқул Хўжамов 1936 йили Шаҳрисабз туманининг Оммоғон қишлоғида туғилган. Қарши Давлат педагогика институтини 1966 йилда имтиёзли диплом билан тугатган бўлса-да, педагогик фаолиятини 1960 йилдан бошлаган. Нафақага чиққунга қадар тумандаги 17, 60-мактабларда ишлаб, бошланғич синф ўқувчиларига дарс берган.

Мурғак дилларга зиё олиб кириш чиндан ҳам шарафли юмуш. «Минглаб шогирдларим бор. Улар билан фахрланаман», дейди устоз кўзлари қувончда порлаб. Суҳбат қизигандан-қизиди. Ўқувчилик йилларимиз кўз ўнгимизда намоён бўлди. Сўнг устозга эргашиб мактабга бордик. Ҳув ўша бошланғич синфлардаги каби.

Аввалги пастқам, кўримсиз мактаб ўрнида ўқувчиларнинг ҳар томонлама кенг билим олиши учун зарур шарт-шароитга эга бинолар қад кўтарган. Қоровулдан илтимос қилиб, ичкарига кирдик. Йўлаклар озода, деворларга буюк алломаларимизнинг ҳикматли сўзлари ва уларнинг сурати туширилган плакатлар илинган. Бир-биримизга сўз бермай, ёш болалардек шовқин солиб, иккинчи қаватга кўтарилдик. Тепасига «Бизнинг фахрийларимиз» деб ёзилган пештахтада устознинг сурати ҳам бор эди. Термулиб қолдик. Ўша зиё тарқатувчи чеҳра шогирдлар кўз ўнгида худди қуёшдек порлаб турарди...

**Самат БЕРДИЕВ,**
**Шаҳрисабз туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими олий тоифали методисти**

*Халқлар дўстлиги*

***Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида Фонд Форум ҳамда Озарбайжон Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан ташкил этилган «Озарбайжон куни» тадбири қардош мамлакат мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланди.***

# Озарбайжон куни

Унда Озарбайжоннинг ривожланиш босқичлари, эришган ютуқлари акс этган фото, босма материаллар ва экспонатлардан иборат кўргазма намойиш этилди. Кўргазма «Бизнинг дўстлигимиз абадий», «Озарбайжон Республикаси давлат рамзлари», «Мустақиллигимиз абадий ва мустаҳкамдир», «Озарбайжон пойтахти — кеча, бугун, эртага» бўлимларидан ташкил топган.

Шунингдек, анъанавий ва замонавий маданиятни акс эттирувчи «Озарбайжон гилами», «Озарбайжон миллий мусиқий асбоблари», «Саттар Бахлулзоданинг ижодий ишлари» кўргазмалари томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.

**Комила БОЙМУРОДОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши ҳамда Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва тармоқ касаба уюшма кенгашлари жамоалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг Қашқадарё вилоят кенгаши раиси

**Қодир ТУРДИЕВнинг**

вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик изҳор қилади.

Insonga naf keltirish - oliy baxt

**Muassis:**
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay’ati:**
Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o‘rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog‘indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To‘lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas’ul kotib),
Anvar YUNUSOV

**Bo‘limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e’lonlar 256-87-73

**Viloyatdagi muxbirlar:**
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 27;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg‘ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog‘iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko‘chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

**Nashr ko‘rsatkichi:**
133

Navbatchi muharrir:
A. Abdullayev

Navbatchi:
A. Arslonov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko‘chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Ⓗ - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 21.00

Buyurtma Г—911

13761 nusxada bosildi

1 2 3 4 5